

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANTIWI, TARİYXNAMASI HÁM TARİYXINIŇ AKTUAL MÁSELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ İLIMTY-TEORİYALIQ KONFERENCIYA MATERİYALLARI

КЕРДЕР МАДАНИЯТИ БАДИЙ МЕТАЛЛ БҮЮМЛАРИ

Турганов Баһыт Құрбанбаевич
*тарих фанлари номзоди, доцент
Ажиниёз номидаги Нұкус давлат
педагогика институты
Тарих үқитиши методикаси
кафедрасы*

Жанубий Оролбўйи қадимдан турли этник гурухларнинг тўқнашуви ва симбиози юз берган қадимий маданиятга эга минтақадир. IV-VIII асрларда кўчманчи қабилаларнинг кириб келиши ва миграцион жараёнларга боғлик турда минтақада этник жараёнлар кучая бошланади. VII-VIII асрларда Жанубий Оролбўйи жанубида Афригийлар маданияти, шимоли-шарқида Кердер маданияти ташкил топади. Кердер маданиятининг хронологик даври VI – аср охиридан XII аср бошларигача бўлган вақтни ўз ичига олади.

Кердер маданияти ёдгорликлари С.П. Толстов, Е.Е. Неразик, Ю.А. Рапорт, А.В. Гудкова, В.Н. Ягодин, М.М. Мамбетуллаев каби археологлар тарафидан тадқиқот қилинган. Уларнинг хulosаларига кўра, Кердер маданияти қўйи Сирдарё бўйидаги Жетиасар маданияти аҳолиси, туркий ва фин-угор қабилаларининг миграцион силжиши натижасида юзага келган.

Кердер аҳолиси Ўрта Осиёнинг тарихий вилоятлари, кўчманчилар дунёси ва Европа давлатлари билан савдо-иқтисодий ва маданий алоқаларда бўлишган. Мазкур маданият ёдгорликларида қайд қилинган тангалар ва ҳунармандчилик буюмлари бундан яққол гувоҳлик беради. Улардан Тўк қала, Куюкқала ёдгорликларининг маданий қатламларидан Сўғд подшоҳлари Урк Варатармука, Турхун (VII-VIII асрлар) ва Хоразм подшоҳлари Азканвар, Савшафан (VIII аср ўртаси) номлари қайд қилинган тангалар учрайди.

Кердер маданияти аҳолиси ва Хоразм қалъалари билан яқин маданий-иқтисодий алоқаларда бўлсада ўзига хос маданиятга эга бўлган.

Араб форси муаллифларидан ал-Истаҳри (Х аср), ал-Мақдисий (Х аср), Ибн Хордадбек, ал-Йаъқутлар (XIII аср боши) Кердер вилоятининг географик жойлашуви, суғориш иншоотлари, тили ва ўзига хос маданияти тўғрисида қисқа маълумотлар беради [МИТТ.: 179-181]. XII асрда ёзилган Йаъқутнинг асарида келтирган маълумотга кўра, Кердерликлар “на хоразмий ва на туркий бўлган” ўз тилларида гаплашганлар.

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANTIWI, TARİYXNAMASI HÁM TARİYXINIŇ AKTUAL MÁSELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ İLİMÝ-TEORİYALIQ KONFERENCIYA MATERİYALLARI

Ёзма манбалар ва археологик материаллар, Кердер маданияти аҳолиси ўзига хос моддий ва маънавий маданиятга эга бўлганлигини кўрсатади. Тадқиқотлар жараёнида яшаш ва хўжалик хоналари, мозор қабрлари очилди ва кўплаб сопол, темир, бадиий металл, шиша, тош, суяқдан ясалган буюмлар топилган.

Мазкур топилмалар таҳлили VII-XI асрларда Кердер аҳолисининг чорвачилик, дехкончилик, балиқчиликдан ташқари, кулолчилик, металсозлик, шишасозлик, суяқ, тош ва ёғочга ишлов бериш каби ҳунармандчилик соҳалари билан ҳам шуғулланганлигини кўрсатади. Кердер аҳолиси ҳунармандчилик маҳсулотларида ўзига хослик яққол кузатилади.

Айниқса, Кердер вилояти қалъаларида темирчилик, рихтагарлик, мисгарлик ва заргарлик каби металсозлик ҳунармандчилигининг турли жабҳалари муҳим аҳамиятга эга бўлган. VII-VIII асрларга оид Ҳайвон қалъа, Куюк қалъа, Тўк қалъа ёдгорликларидан қайд қилинган металсозлик устахоналари ва кўплаб металл топилмалар буни тасдиқлайди.

Ҳайвон қалъанинг VIII асрга оид қатламларидан кўплаб темир дашқол, шлак бўлакчаларининг топилиши, худудда темир эритиш ишлари ва тайёр темирчилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлигини кўрсатади [Ягодин: 96, рис.9.]. Ёдгорликдаги темир дашқоллар атрофида ҳайвон суяклари асосан, эчки шохлари кўплаб учрайди.

Мутахасис В.И.Распопова фикрича, темирни (дашқолни) ўтда эритиш жараёнида шохлардан кенг фойдаланилган [Распопова:8]. Чунки, шохлар темир бўлакларига тўлиқ ёки қисман ёпишиб, унинг оловда эришида катализатор вазифасини бажарган.

Тўк қалъа (VII-VIII асрлар) ёдгорлиги «Шарқий ҳовли»сининг «Шарқ чорбоги» худудидан алоҳида-алоҳида ажратилган кўп хонали иморатлар ўрни аниқланган [Гудкова: 44]. Иморатлар яшаш ва ҳунармандчилик хоналарига ажralади. Яшаш хоналарида очиқ чорбог, ўчоқ, тандир, «П» шаклидаги супалар сақланган. «Шарқ чорбоги» жанубидаги иккита ўчоқ, унга алоқадор чуқурчалар, сочилиб ётган шлак қолдиқлари бу жойда мис эритиш ишларининг амалга оширилганлигини кўрсатади.

Ёдгорликдан кўплаб темирчилик маҳсулотлари бўлган меҳнат қуроллари тўплами ва бадиий металл буюмлар қайд қилинган. Улардан кетмон (3 дона), болта-теша (2 дона), теша, ўрок (2 дона), пичоқ (4 дона), камон ўқи учлари (9 дона), бронза коса (3 дона), узук, сирға, камарлар тўплами каби кўплаб металл буюмлар

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANTIWI, TARİYXNAMASI HÁM TARİYXINIŃ AKTUAL MÁSELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ İLİMİY-TEORİYALIQ KONFERENCIYA MATERİYALLARI

топилган [Манылов: 80-83]. Металл буюмлар VII–VIII асрлар ва IX–XI асрларга тааллуклидир.

Тўқ қалъа ва Куюк-қалъа ёдгорликларининг VII-VIII асрларга оид қатламларидан ярим айланасимон тарзли, безатилмаган бронза косалар топилган [Гудкова: 57,рис.12,15-16]. Косалар бронзадан қўйма тайёрланган. Тўқ қалъадаги косалар устки диаметри, биринчиси 17 см, иккинчиси 12 см. Биринчи косанинг айланасимон деворлари бир текис, иккинчи коса деворлари нотекис, баъзи жойларида ғадир-будир излари кузатилади.

Айниқса, Куюк-қалъа металсозлик маҳсулотлари кенг тарқалган ёдгорликлардан яна биридир. Қалъа қўрғонининг жанубий девори яқинида жойлашган темир эритиш устахонаси ҳажми 8x4,2 метрга teng [Неразик, Рапорт: 133; Ягодин: 58]. Устахонадаги ўчоқ ҳажми 1,5x1,0 метрни ташкил этади, атрофида ёғоч кўмир ва кул қолдиқлари қатламлари сақланган. Шунингдек, ўчоқ яқинидаги 0,30x0,35 метр ҳажмдаги маҳсус чуқурчалар дашқоллар (ғалвирак темир бўлаклари) билан тўлдирилган.

Бундай шаклдаги темирчилик ўчоқлари ўрта асрларга оид миниатюра асарларида ва этнографик материалларда учрайди. Мазкур темирчилик ўчоқлари босма дам ёрдамида ҳаракатга келтирилган ва ярим тайёр хом-ашё (дашқол)га қайта ишлов берилган.

Айниқса, Куюккалья некрополидаги артефактлар Кердер маданияти металл буюмлари тўғрисидаги маълумотларни бойитади. Некропольдаги қабрлардан хилма–хил камон ўқи учлари, пичоқ, ханжар каби қурол–яроғлар [Мамбетуллаев: 72-79], бронза камарлари деталлари – тўқа, нишон ва устки безаклари, бронза қўзгулар, сирға, узук, шокила ва бошқа буюмлар топилган [Ходжайов, Мамбетуллаев:135-185].

Уларга ўхшаш металл буюмлар қўйи Сирдарё бўйидаги Жетиасар маданияти ва қўчманчилар ёдгорликларида учрайди.

Куюккалья некрополидаги топилмалар Кердер ахолисининг металсозлик маҳсулотларига эҳтиёжи кучли бўлганлигидан ва маҳаллий ҳунармандлар томонидан ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлигидан гувоҳлик беради [Ходжайов, Мамбетуллаев:135-185; Мамбетуллаев, Юсупов:66-70].

Айтиш зарурки, Кердер ёдгорликларида заргарлик ва бадиий металл буюмлар шакли ва безатилиши жиҳатидан ўзига хос локал хусусиятга эга бўлган ҳамда улар Хоразм заргарлик санъати буюмларидан кескин ажralиб туради. Уларнинг заргарлик ва бадиий металл буюмларида қўчманчиларга хос анъаналар

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANTIWI, TARİYXNAMASI HÁM TARİYXINIŇ AKTUAL MÁSELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ İLİMÝ-TEORİYALIQ KONFERENCIYA MATERİYALLARI

яққол кузатилади. Куюк–қалъа ёдгорлиги ва некрополидан бронзадан қўйма тайёрланган түя, чўчқа, от қўринишидаги шокилалар ва тоғ эчкиси тарзли туморлар қайд қилинган [Ходжайов, Мамбетуллаев:146-148]. Улардан халқа ичига от шакли туширилган шокила ўзига хос тарзда ясалган.

Маълумки, бу даврда заргарлик буюмлари магик хусусиятга ва мифологик аҳамиятга эга бўлган. Кердер маданияти заргарлик буюмлари ўша давр аҳолисининг дунёқараси ва диний эътиқодларида тангричилик элементларининг устивор бўлганлигини кўрсатади.

Ўзига хос бадиий металл буюмларидан бири бўлган шокила Куюк–қалъа некрополидаги VII–VIII асрларга оид қабрлардан топилган. Шокила қўринишидан от боши, бўйни ва олдинги икки оёғи тарзида ишланган ва унинг устки юзаси рельфли нақшларда безатилган. У қанотли от тарзда бронзадан қўйма ясалган [Ходжайов, Мамбетуллаев:167-168]. Шокиланинг узунлиги 5,5 см, бўйига 6 см, қалинлиги 0,3– 0,6 см.

Куюккалья некрополида энг кўп топилган артефактлардан бири тўқа, нишон, қадама безаклар каби камарлар тўплами деталлариридир [Ходжайов, Мамбетуллаев:156-166]. Бронзадан қўйма ясалган.

Уларга ўхшаш камарлар тўплами деталлари Евроосиё кўчманчилари ёдгорликларида кенг тарқалган. Улар Орол бўйи ва Хоразмда VI–VIII асрларда кўчманчилар билан бўлган маданий алмашув жараёнида кенг тарқалади

Демак, археологик тадқиқотларда қайд этилган кўплаб ҳунармандчилик топилмалари Кердер маданияти аҳолиси томонидан меҳнат қуроллари, уй-рўзфор буюмлари, ҳарбий қурол-аслаҳалар, от-улов анжомлари каби хилма-хил темирчилик, мисгарлик, риҳтагарлик ва заргарлик маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилганлигини кўрсатади. Жумладан, VI–VIII асрларга оид Куюккалья, Ҳайвонқалъа, Тўқ қалъа археологик материаллариридаги меҳнат қуроллари, қурол-аслаҳалар, заргарлик ва безак буюмлари миқдори ва сифати Кердер қалъаларида металлсозлик соҳалари тараққий қилганлигинидан далолат беради. Ўша даврдаги риҳтагарлик ва заргарлик маҳсулотлари Кердер аҳолисининг дини, мифологияси ва санъатига оид маълумотларни янада бойитишга хизмат қиласди.

АДАБИЁТЛАР

1. Гудкова А.В. Ток-кала. –Ташкент: Фан, 1964. .
2. Манылов Ю.П. Железные орудия труда VIII в. с городища Ток кала// Вестник ККФАН Узб.ССР. – Нукус,1962.–№ 3. – С. 80–83.

«QUBLA ARAL BOYI ARXEOLOGIYASI, ETNOGRAFIYASI, DEREKTANTIWI, TARİYXNAMASI HÁM TARİYXINIŃ AKTUAL MÁSELELERI» ATAMASINDA XALIQ ARALIQ İLIMTY-TEORİYALIQ KONFERENCIYA MATERİYALLARI

3. Мамбетуллаев М., Юсупов О. Бронзовая бляшка с изображениями протомы коня // Вестник ККО АНРУз. – Нукус. 2006. №1. – С.66–70.
4. Мамбетуллаев М. и др. Вооружение населения Кердера // Вестник ККО АНРУз. Нукус. 2007. № 4. – С.72–79.
5. Материалы по истории туркмен и Туркмении. Т. I. VII-XV вв. Арабские и персидские источники. М., Л., 1939.
6. Неразик Е.Е, Рапопорт Ю.А. Куюк-кала в 1956 г. // МХЭ. -М.: Наука, 1959. - вып.1. -С.132-139.
7. Распопова В. И. Металлообрабатывающее ремесло раннесредневекового Согда.: Автореф. дис. .. канд. ист. наук. –Ленинград, 1971. 27 с.
8. Турганов Б.К. Металлообрабатывающее ремесло средневекового Хорезма (по данным письменных и археологических источников) // Диалог городской и степной культур на евразийском пространстве //Материалы V Международной конференции, посвященной памяти Г.А. Федорова-Давыдова 2-6 октября 2011 года. -Казань, Астрахань. 2011. -Б. 116-119.
9. Турганов Б.К. Об элементах религии тенгрианства в средневековых памятниках Южного Приаралья // Материалы VII Международной научно-практической конференции «Тенгрианство и эпическое наследие народов Евразии: истоки и современность». -ISBN 978-601-301-997-0. -Бешкек. 2019. -С.270-275.
10. Турганов Б.К., Ерманов А., Абдукаримов Х. Общие тенденции развития // ремесленного производства в раннесредневековые Хорезма Международный научный журнал «Символ науки». ISSN 2410-700 X № 3 / 2021. - С.47-53.
11. Турганов Б.К., Алламбергенов С. Роль металлических предметов в изучении средневековых культурно-экономических связей Хорезма // Международный научный журнал «Символ науки». ISSN 2410-700X №5 / 2021. -С.48-54.
12. Turganov B.K., Daubaeva T. T. Bronze mirrors of Khorezm during the Golden Horde // European Journal of Humanities and Educational Advancements (EJHEA) Available Online at: <https://www.scholarzest.com> Vol. 3 No. 2, February 2022 ISSN: 2660-5589.
13. Турганов Б.К., Сапарова А. Бадий хунармандчилик буюмлари Кердер маданияти аҳолисининг маънавий дунёсини ўрганувчи манба // O’zbekiston Respublikasi «IQRO» respublika jurnali/ 2023. 4-сон.
- 14.Ходжайов Т.К., Мамбетуллаев М.М. Раннесредневековый некрополь Куюккала. – Москва. РАН. 2008.
15. Ягодин В.Н. Городище Хайванкала-раннесредневековый Кердер // Археологические исследования в Каракалпакии. –Ташкент, 1981. -С.78-102.
16. Ягодин В.Н. Кердерское поселение Куюк-кала // Археология Приаралья. – Ташкент: Фан, 1984. -вып.2. -С. 54-67.